



**ЎЗБЕКИСТОН
ТАРЖИМАШУНОСЛАРИ
ФОРУМИ - 2018**

“Ўзбекистон таржимашунослари форуми – 2018” (илмий мақолалар тўплами). –Т., 2018. – 276 б.

Ушбу тўпламдан Тошкент давлат шарқшунослик институтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-Ф-сонли Фармойишига биноан 2018 йил 24 ноябрь кунини “Ўзбекистон таржимашунослари Форуми – 2018” мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси иштирокчилари ҳамда ТошДШИ “Таржимашунослик” кафедрасида ушбу илмий йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ва ёш тадқиқотчиларнинг таржима тарихи, назарияси, амалиёти ва танқидига оид долзарб мавзулар ёритилган илмий мақолалари ўрин олган.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи
Ҳайрулла Ҳамидов

Масъул муҳаррир
филология фанлари доктори, профессор
Абдурахим Маннонов

Тақризчилар:
филология фанлари номзоди, доцент Гулчеҳра Рихсиева
филология фанлари номзоди Эргаш Очилов

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Кенгашининг 2018 йил 25 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Тошкент давлат шарқшунослик институтининг, 2018.

ШАРҚ ТАРЖИМАШУНОСЛИГИНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ (Сўзбоши ўрнида)

ТошДШИ ректори, проф. Абдурахим Маннонов

Таржима асарлари ўзбек миллий адабиётининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Бу асарлар юз йиллар давомида дунё халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, дунё-қарашини, ҳаётини англаш фалсафасини, бадий тафаккури, қолаверса, яшаш тарзини ҳақиқатан тасаввур ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ахборот алмашинуви кенг тус олган бугунги кунда миллий адабиётимизни асраш, маънавий қадриятларни эъзозлаб, келажак авлодларга етказиш, шунингдек, адабиёт орқали халқаро алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор талаб этилмоқда. Шу боис бугун таржимонларга бўлган эътиёж тобора ортиб бормоқда. Миллатнинг бадий тафаккури ойнаси бўлмиш адабиётни хорижий тилларга таржима қилишга қаратилган ишларни кенг миқёсда амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари катори бадий адабиёт ва таржима соҳасини ҳам қамраб олганини бугун барча ижод ахли эътироф этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Қитоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, қитоб мутолааси ва қитоб-хонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишида мамлакатимизда “...миллий ва жаҳон адабиёти намоёндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаган”и, “...жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш ишларининг танқидий таҳлили” амалга оширилиши зарурлиги алоҳида таъкидланган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Қитоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, қитоб мутолааси ва қитобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши (“Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 13 январь).

тидан она тилимизга таржима қилинган аксарият асарлар восита тиллар орқали амалга оширилган ва бу ҳол бутунги кунда ҳам давом этмоқда. Ёш таржимонларимиз аслият тилини яхши билсалар-дай ҳолатни ўзбек адабиёти бадий маҳорат етишмаяпти. Худди шун-килиш соҳасида ҳам кузатиш мумкин". Демак, жаҳон адабиётининг энг сара асарлари ва ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини Бунинг учун эса аслият тилини яхши биладиган ёш вақти келди. ларнинг бадий маҳоратларини ошириш учун барча имкониятларни ишга солиш, устоз-шогирд тизимини янада мустаҳкамлаш зарур.

Эътибор бериладиган бўлса, Тошкент давлат шарқшунослик институтида ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар давлатимиз томонидан белгилаб берилган йўналишга вобаста бораётганлигига амин бўламиз. Шу билан бирга, бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклашини ҳам яхши англамоғимиз керак.

XX АСР ЎЗБЕК ТАРЖИМАШУНОСЛИГИ ВА ТАРЖИМА ТЎПЛАМИ

Одилжон САФАРОВ, ф.ф.н., доцент, Ўзбекистон миллий университети

XX аср ўзбек таржимашунослиги хақида мулоҳаза юритилган бўлса, шу даврда юргимизда чоп этилган "Таржима санъати" 1973, 1976, 1978, 1980, 1985-йилларда нашр этилиб, ўз атрофига ёзувчи-шoir таржимонларни, тилшунос, адабиётшунос, таржима-шунос ва таржима тадқиқотчиларинигина эмас, таржиммага кизиқувчи турли соҳа вакиллари ҳам бирлаштирилган бу тўплам, йиллар давомида нафақат республикамиз зиёли-ларининг таржимавий тафаккурига, балки ўзбек таржимашунос-лиги тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшиб келганки, улардан хабардор бўлиш, ҳамма учун фойдалан холи эмас. Шу нуқтаи назардан юқорида қайд этилган мавзудаги иш **долзарб** аҳамиятта молик.

Ундан қўзланган **мақсад**, мулоҳаза юритилаётган тўпламнинг тарихи, моҳияти, аҳамияти ва истикболига оид масалаларни ёритишдир. Мавзунинг асосий қисмига ўтишдан олдин, таъкидлаш

лозимки, таржима масалаларига оид мазкур мақолалар тўпламининг деярли барча нашрлари, таржимашунос олим Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг (1932-2000) фидокорона меҳнати билан бевосита боғлиқ бўлган. Таникли адабиётшунос, шoir ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг қуйидаги мулоҳазаси ҳам шундан далolat беради:

"У таржимашунослик ва таржима санъатининг хақиқий фидойиси эди. "Таржима санъати" деган катта соҳани биз Ғайбулла Саломов орқали танидик. Таржимашунослик деганда кўз ўнгимизга Ғайбулла Саломовни келтирадиган бўлдик" [5:9]. Истеъдодли шoir ва таржимон Мирза Кенжабек эса, бу ҳақда шундай ёзди:

"Тоғлиблик пайтларимда "Таржима санъати" китоби қўлимдан тушмасди, ёзги таътил чоғларида қариндошларимни йўқлаб, тоғларга ҳам олиб чиқиб кетардим. Байрон, Гёте, Пушкин, Лермонтов шеърларининг турли хил таржималари киёси мени хайратга соларди. Бу китоблар менда асар руҳини таржима қилиш малакасини уйғотди". [2:103]. Бу каби мулоҳазалар бежиз эмас, албатта. Чунки таржима – **илм** ва **санъат**. Илм бўлганида ҳам, қанчадан қанча илму-маърифат ахли, турли соҳа вакиллари хаёлини асрлар давомида банд этиб келаётган **мураккаб** илм. Санъат бўлганида ҳам, санъатлар шoхи. Унга тенг келадиган **санъат** йўқ. Шу боис ҳам немис мутафаккири Фридрих Шлайермахер (1768-1834) таржимани "**hohe Kunst**" (буюк санъат) сифатида эътироф этган, рус адаби, адабиётшуноси ва таржимони Корней Чуковский (1882-1969) эса, таржиммага оид китобини 1941, 1964-йилларда "**Высокое искусство**" сарлавҳаси остида чоп этиришни лозим топган.

Табийки, ҳар қандай таржимани **санъат** сифатида эътироф этиб бўлмайди. Чунки муайян санъат азал-азалдан тегишли илм билан боғлиқ бўлганидай, таржима санъати ҳам таржима илми билан бевосита боғлиқ. Таржима илми эса шу даражада кенг қамровлики, унинг моҳиятини англаш, зукко мутафаккирлар учун ҳам ҳеч қачон осон кечмаган. Жумладан, шу соҳада фан доктори, профессор даражасига эришиб, ўнлаб шогирдларнинг суоқли устозига айланган Ғ.ас-Саломнинг ўзи ҳам, адабиётшунос олим С.Умиров билан суҳбатларидан бирида, бу ҳолни шундай эътироф этган: "Мен бадий таржима назарияси юзасидан 1956-йилда диплом иши ёқлаганимда (илк тадқиқо-тим ҳажми 170 саҳифа бўлган), ўзини таржимашуносликнинг Арши аълосида хис этардим. Чамамда мендан зўр "назариячи" йўқ эди. Тез фурсатда амалиётга кўчганимда маълум бўлдики, нонни "нанна" деб юрган эканман" [4:32-33].

Таржима ҳақиқатан ҳам мураккаб фаолият эканлигини чуқур хис қилган Ғ.Саломов, 1961-йилда, “Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир” китобини чоп эттириши билан, “Таржима санъати” тўпламининг I-китобини нашрга тайёрлаб, уни ўша йили чоп эттиришга муваффақ бўлади.

Қайд этиш лозимки, 1961-йил грузин олими Гиви Гачециладзе «Проблемы реалистического перевода» мавзудаги докторлик диссертациясини химоя қилган йил сифатида ҳам маълум. Халқаро миқёсда қатта шов-шувларга сабаб бўлган мазкур ишга, Э.Азнаурова “Таржима санъати”нинг дастлабки китобида шундай муносабат билдиради: “Бадий таржима назарияси фақат тил проблемаси деб белгиланган таржимага “лингво-стилистик” деб номланган оқимни ўтган босқич деб ҳисобласа бўлади. Шунингдек, таржима назариясини ишлаб чиқиш имкониятларига шубҳа билан қаровчиларга ҳам шундай баҳо бериш мумкин.

Эндилликда бадий таржимага “филологик проблема” сифатида қаровчи дунёқарашлар борган сари мустаҳкамланиб бормоқда. Буни асослашда бадий асарнинг ғоявий-бадий томонларига қараш керак. Чунки, шунинг ўзигина тил ифодалари воситаларини танлашни белгилайди”. [1:4] Ушбу **биринчи** китобга ўн нафар муаллифнинг мақолалари киритилган. Масалан, “Бадий таржиманинг асосий проблемалари” (Э.Азнаурова. 3-12 б.), “Бадий таржима назариясининг баъзи мунозарали масалалари” (Ғ.Саломов. 13-38 б.), “XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида рус адабиётидан қилинган таржималар” (А.Абдуғафуров. 88-100), “Бадий таржиманинг баъзи принциплари” (О.Шарафиддинов, 144-159) шулар жумласидан. “Таржима санъати”нинг бу китоби **сўбошисиз** ҳамда **масъул** муҳаррир, **тўловчи**, **тахрир** хайъати аъзоларининг номлари қайд этилмаган ҳолда нашр этилган. ...

Тўпламининг иккинчи китобида (1973) эса **масъул** муҳаррир - Ғ.Саломов, тўловчи - Д.Ғуломов, тахрир хайъати Э.Есенбоев, К.Яшин, А.Мухтор, В.Рўзиматов, Ж.Шарипов, С.Шермухамедов, А.Қаюмов эканликлари ёзилган. **Масъул** муҳаррирнинг “**Муқаддима ўрнида**” номли **сўбошида** эса, қуйидаги мулоҳазалар ўз ифодасини топган:

“Шуни алоҳида қайд этмоқ зарурки, “Таржима санъати” – дарслик ёхуд ўқув қўлланмаси, методик асар эмас, балки, адабий танқидий мақолалар тўпламидир. ...

Таржима санъатига доир тўплам тартиб беришда марказий нашриётларда йил сайин мунгазам чоп қилиниб турган “Мастерство перевода” ҳамда “Тетради переводчика” тўпламларининг мундарижаси, мақолаларни бериш тартиби ва, умуман, ана шу хил китоб наشري тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Китобда таржима санъатини яратувчилар – йирик ёзувчи, шоир, драматург-таржимонлар, кўзга кўринган адиблар билан бирга, бадий таржималарни илмий тадқиқ қилувчи, адабий ҳаётимизга “таржимашунос” номи билан янги кириб келаётган адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг ҳам мақолалари берилди”. [3: 3-4] Унда чоп этилган мақолалар **олти** рункини ташкил қилади:

- таржима **амалиётига** оид ишлар;
- таржима ва адабиёт танқидига оид ишлар;
- таржима назарияси ва киёсий адабиётшуносликка оид ишлар;
- таржима тарихига оид ишлар;
- таржиманинг **лисоний** жиҳатларига оид ишлар;
- **таржимон** омилига тегишли ишлар.

Асосан **бадий** таржима масалаларини ўз ичига олган мазкур тўпламдаги мақолалар муаллифлари ёзувчи ва шоир таржимонлар, адабиётшунослар бадий адабиёт ҳамда таржима-шунослик соҳаси тадқиқотчилар бўлишган. А.Қаххор, А.Мухтор, А.Орипов, И.Ғафуров, О.Шарафиддинов, А.Абдуғафуров, В.Зохидов, Ш.Шомухамедов, М.Али, М.Махмул, М.Кўшмоқов каби забардаст ёзувчи ва шоирларимизнинг, Пьер Франсуа Кайе, С.Иванов, Ю.Левин, В.Росельс, П.Тартаковский, Д.Дюришин, Б.Хорун ўғли Тохирбоев каби турли мамлакат вакиллари кизикарли, мазмунли ва долзарб аҳамиятли мақолалари мазкур тўпламининг нуфузини анча оширган.

Унинг барча сонларида мақолалар чоп эттириш эса, фақат Ғ.Саломовга насиб этган. Уша мақолалар қуйидагилар: “Бадий таржима назариясининг баъзи мунозарали масалалари” (1961), “Бадий таржима ҳақида ўй ва мулоҳазалар” (1973, “Туркий тиллардан таржима қилиш проблемасига доир”, “Жаҳонгашта рубоийлар” (Н.Комилов билан.1976), “Таржима масалаларини комплекс ўрганиш тажрибалари” (1978), “Таржима санъати ва санъат таржимаси” (К.Жўраев ва С. Олимов билан. 1978), “Бадий таржиманда услубий-миллий ўзига хосликни қайта яратиш проблемаси (“Рамайна”, “Декамерон”)” (1980), “Бадий таржиманинг тараққиёт майллари” (Н. Комилов, Т. Жўра билан, 1985).

Олти тўлламада саккизта мақола чоп эттирган Ғ. Саломов, бу борада ўз шоғирдларига ҳам ибрат бўлган. Унинг шу тўлламада Масалан, Н. Комилов “Классик таржимада услуб” (1973), “Бу қадимий санъат”, (1976), “Ижод елканини кўтариб” (Т.Қаҳҳоров билан, 1978), “Фирдавсийнинг шеърини қарвони” (1980) мақолаларини ва устози билан ҳамкорликдаги яна **иккита** мақоласини чоп эттирган. К.Жўраев эса “Лев Пеньковский иждоҳонасида” (1978), “Мушфик инсон, фидойи олим” (1980), “Маъно ва ифода” (1980), “Қиёсий адабиётшунос-ликнинг йирик назарийчиси” (С. Олимов билан, 1980) каби мақолалари қаторида устози билан бирга номи юқорида қайд этилган мақоласини нашр эттирган.

Устознинг О.Наҳанов, С.Азимов, З.Исомиддинов каби шоғирдлари, мазкур тўлламада иккитадан мақола чоп эттириш-ган: “Ўзбек таржимачилигининг барҳаёт граждани” (О.Наҳанов, 1973), “Таржи-мами, тажрибамми? (О.Наҳанов, 1976); “Садриддин Айний асарлари немисча таржималарда” (С.Азимов, 1980), “Восита тил орқали таржимада персонажлар номини ифодалаш” (С.Азимов, 1980); “Алдоқчи сўзлар билан баҳс” (З.Исомиддинов, 1980), “Сўздан сўзнинг фарқи бор” (З.Исомиддинов, 1980).

Юртимиз таржималари тарихини ўрганишга катта хисса қўшган олим, адиб ва таржимон Жуманиёз Шарипов ҳам шу тўлламада **иккита** мақола чоп эттирган: “Зулфиянинг иккинчи ижоди” (1973), “Соҳиби қалам” (1985).

Изланишлар далолат беришича, тўлламнинг 3-6 сонлари (1976, 1978, 1980, 1985) тўловчиси истъёдорли шоир ва таржима тадқиқотчиси, Ғ.ас-Саломнинг суюкли шоғирдларидан бири Тилак Жўра бўлган. Устоз-шоғирд ўргасидаги **қизгин** ижодий жараёнлар **гуво-ҳи**, Ғ.ас-Саломнинг қуёви, нозик дидли шоир Муҳаммад Юсуф, ўша пайтлардаги кечинмалар ўзининг “Тилак Жўра” шеъриси шундай ифодалаган:

“У хўп дейди, демас: “Менга ҳам керак”,
Ишонмасанг, бориб ўздан сўра.
Жонингни прокатга бер десанг, Тилак
Икки қўллаб тутар: Марҳамат, жўра.
Мен уни туғилмай туриб билардим,
Мурғак чоғ жаннатда юзин кўрганман.
Тегиримончиликни орзу қилардим,
Унга хавас қилиб шоир бўлганман”. [6:97]

Хулоса шуки, Ғ.ас-Салом шахсан ўзи ва шоғирдлари билан мазкур тўллама бўйича ҳақиқатан ҳам **тахсинга** лойиқ ишларни амалга оширган. Энди ўша ишлар кенгрок қамровда, яъни таржиманинг барча турларини ва нафақат бадий адабиёт, балки турли соҳаларга оид адабиётлар таржимаси масалаларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, нашр этиладиган бўлиши, тўллама-нинг ўзи эса, филология йўналиши бўйича **ЎЗР ОАК** тасарруфи-даги нашрлар қаторига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азнаурова Э. Бадий таржиманинг асосий проблемалари // Таржима санъати. 1-китоб. – Т., ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1961.
2. Кенжабек М. Аллома // Ғайбуллох ас-Салом замондошлари хотирасида. Умиров С. ва б. (нашрга тайёрловчилар). – Т.: “Тошкент ислом университети”, 1973.
3. Саломов Ғ. Бадий таржима назариясининг баъзи мунозарали масалалари // Таржима санъати. 2-китоб. – Т., ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1961.
4. Умиров С. Мавлоно Ғайбуллох ас-Салом. – Т.: Мулоқот, 1-сон, 1999.
5. Ғафуров И. Дарё халоват билгаймиз? // Ғайбуллох ас-Салом замондошлари хотирасида. Умиров С. ва б. (нашрга тайёрловчилар). – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002.
6. Юсуф М. Тилак Жўра // Сайланма. – Т.: Шарк нашриёти, 2004.

ҚАДИМГИ ТУРК ТИЛИДАГИ ТИЖОРАТ ВА САВДОГА ОИД АТАМАЛАР

Камолитдин ШАМСИДДИН, т.ф.д., профессор,
Тошкент давлат шаръишунослик институти

Тарихий атамалар у ёки бу халқнинг маданияти ҳақида қимматли маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Бу маълумотлар тарихий ва географик асарларда учрамайди, лекин қадимги турк битикларида ва турк тилининг илк ўрта асрларда тузилган лугатларида қайд этилган. Бу тарихий атамаларни тадқиқ этиш манбауносликнинг долзарб масалаларидан биридир. Тарихий атамаларда қадимги туркларнинг маданиятига оид бой маълумотлар келтирилган. Тарихий атамалар қадимги туркларда нафақат чорвачилик, балки дехқон-

Hozirgi kunda notarial idoralar faoliyatida ham malakali tarjimon mutaxassislariga ehtiyoj ortmoqda. Masalan, u yoki bu hujjatni tarjima qilishda tarjimonning imzosi albatta talab etiladi. Bundan tashqari, biror-bir hujjatni imzolashidan avval uning mazmun-mohiyatini anglash uchun tarjimonga zaruriyat tug'iladi. Ta'kidlash lozimki, tarjimonlik faoliyatini olib borish, tarjima ishlarini faqat kompetensiyaga ega bo'lgan tarjimon mutaxassislar olib borishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida aytib o'tilgan barcha vazifalarni bajarish uchun tarjimondan katta malaka va ko'nikma talab etiladi. Eng asosiysi, tarjimon til bilimdoni, adabiyotshunos, tarixshunos va madaniyatshunos, ustoz G'. Salomov ta'biri bilan aytganda, mutafannin bo'lishi, jamiyatda ro'yi berayotgan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy vaziyatdan voqif ziyoli, madaniy-ma'rifiy bilimlarni ham puxta egallagan mutaxassis bo'lishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Хамидов Х. Исматуллаева Н. Эргашева С. Синхрон таржима. - Т., 2017. - 108 б.
2. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. М.:1999
3. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. М.:2000
4. 王秉钦. 文化翻译学. 天津:南开大学出版社, 2007年. 65页.
5. 刘月华. 汉语语法论集. 现代出版社, 1992年.
6. 朱德藩. 现代汉语语法研究. 商务印书馆, 2007年.

МУНДАРИЖА

А.Маннонов	Шарқ таржимашунослигининг янги саҳифаси (Сўзбоши ўрнида)	3
Таржимашунослик тарихи ва соҳани ривожлантиришнинг тамойиллари	Таржима адабиётининг тарғиби ва малакали таржимонларни тайёрлашнинг долзарб масалалари	8
Г.Рихсиева,	Шарқшунос таржимонлар етиштириш – асосий максадимиз	14
Х.Хамидов	XX аср ўзбек таржимашунослиги ва таржима тўплами	18
О.Сафаров	Қадимги турк тилидаги тижораг ва савдога оид атамалар	23
К.Шамсиддин	XX аср бошлари вақтли матбуотидаги таржимачилик фаолиятига бир назар	29
Н.Эгамкулова	Ўзбек кафкашунослиги ва таржимашунослигининг долзарб муаммоларига доир	35
Ш.Мирабдуллаева	Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалалари	
З.Исомиддинов	Чингиз Айтматов асарларининг ўзбекча таржималари хақида	41
Г.Халлиева,	XX аср рус-ўзбек адабий алоқалари:	46
И.Аннахасанова	такриз ва талқин	
Ш.Имьяминова	Фразеологизмларни таржима қилиш муаммолари	49
Asha S Naig	In his Very Essence-Premchand in Malayalam	54
Ш.Атаев	Маданиятлараро мулоқотда лингвокультурологик хусусиятларнинг аҳамиятига доир	60
Л.Хамдам-Зода	Лингвокультурологический анализ речевого этикета узбекского и русского языков	65
М.Назарова	Бруно Алипчининг “Қашқирлар чангалида” романидаги идиоматик бирикмалар таржимаси	69
D.Nasriddinov	Concept as means of objectification of art picture of the world	73
Н.Исматуллаева	Таржимада “лақуна” ва “реалия” тушунчалари ўртасидаги тафовутлар масаласи	78
Н.Холжаева	Ҳиндий тилидан ўхшатишларни ўгиришнинг лексик ва грамматик воситалари	82
К.Алимова	English idioms and difficulties of their translation into russian and uzбек languages	85
F.Mamajonova	Tarjima millatlar qalbiga yo'l	89
M.Umarova	O'zbek va urdu tillarida qarindosh-urug'chilik	